

Қ А Р О Р

2024 йил сентябрь ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман суди, Қўшқўпир тумани, Шеробод МФЙ, 3-сон ИИБ биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи шу суднинг раиси Ф.Ж.Исмоилов, судья ёрдамчиси И.Қурбонбоевнинг котиблигида, Р.Ҳасанов ва жабрланувчи А.Ўринбоевнинг иштирокида, Ҳасанов Рустам Рузматовичга нисбатан тўпланган 3-2207-2401/1456-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ҳасанов Рустам Рузматович, 1973 йил 23 июнь куни Қўшқўпир туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, илгари 2023 йил 6 ноябрда Ўзбекистон Республикаси МЖТК 138-моддасининг 5-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдори 330.000 сўмнинг уч баравари миқдорида 990.000 сўм, 2024 йил 24 январда МЖТК 61²-моддасининг 1-қисми ва 183-моддаси билан МЖТКнинг 34-моддаси тартибида билан базавий ҳисоблаш миқдори 330.000 сўмнинг уч баравари миқдорида 990.000 сўм жарима жазоси тайинланган, ишламайди, Қўшқўпир тумани, Ошоққалъа маҳалласи, Заковат кўчаси, 25-уйда яшайди Ўзбекистон Республикаси МЖТК 41¹-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбланган.

Суд Р.Ҳасанов ва жабрланувчи А.Ўринбоевнинг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Р.Ҳасанов, 2024 йил 29 август куни элетроскутерни бошқариб бораётган келини А.Ўринбоевани ёнида ўтириб, А.Ўринбоевани шаъни ва кадр қимматини таҳқирлаб, тегажоғлик қилиб, белидан кучоқлаб, кўкрагидан ушлаб, шахвоний шилқимлик ҳаракатларини содир қилганлиги аниқланган.

Р.Ҳасанов судда, айбига иқrorлик билдирмасдан, 2024 йил 29 август куни келини А.Ўринбоева билан Ўртаёп қишлоғига бозорга озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун элетроскутерни бошқариб бораётган А.Ўринбоевани ёнида ўтириб кетгани, шу вақтда спиртли ичимлик таъсирида бўлгани учун нима қилганини эслаб билмаслиги, шахвоний шилқимлик қилмаганлигини, ишни қонуний ҳал қилишни сўраб, тушунтириш берди.

Жабрланувчи А.Ўринбоева судда, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 29 август куни қайнотаси Р.Ҳасанов унга бозорга бориб уйга харажат қилиб келишини айтганини, элетроскутерни бошқариб бозорга кетишганини, Р.Ҳасанов унинг ёнида ўтириб кетаётганида белидан кучоқлаб, кўкрагидан ушлаб, у



билан жинсий алоқада бўлишини айтиб, шилқимлик қилганини, Р.Ҳасановга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб тушунтириш берди.

Р.Ҳасановнинг айби ўзининг иқрорлик билдириб берган тушунтиришидан ташқари, жиноят иши кўзғатишни рад қилиш ва маъмурий жавобгарликка оид иш кўзғатиш тўғрисидаги қарор, жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари ҳамда ишдаги тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топади.

Суриштирув органи томонидан Р.Ҳасановнинг шахвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайдиган шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси МЖтК 41¹-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини хурмат қилишга мажбур эканлиги кўрсатилган.

Суд, А.Ўринбоева ва Р.Ҳасановга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли Қароридаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб;

Р.Ҳасановнинг шахсини, айбига иқрорлигини, оилавий шароитини, оилали бўлиб, тўрт нафар фарзанди борлигини, моддий аҳволини, шу билан бирга жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси борлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси МЖтК 41¹-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган маъмурий қамоққа олиш жазоси тайинлашни, қамоқда сақлаш билан боғлиқ харажатларни Р.Ҳасановдан ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 245, 309, 310-311-моддаларига амал қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Ҳасанов Рустам Рузматович Ўзбекистон Республикаси МЖтК 41¹-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин ва унга шу модданинг 1-қисмига асосан 4 (тўрт) сутка маъмурий қамоққа олиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 5 сентябрь куни соат 12:55 дан бошлаб ҳисоблансин.

Қамоқда сақлаш билан боғлиқ харажатларни Р.Ҳасановдан маъмурий қамоқнинг ҳар бир кунига базавий ҳисоблаш миқдори 340.000 сўмнинг 15 фоизи миқдорида 51.000 сўмдан 4 сутка учун жами 204.000 сўм ундирилсин.

Қарорнинг маъмурий қамоққа олиш жазоси ижросини таъминлаш Қўшқўпир туман ИИБ зиммасига юклатилсин.



Қарор устидан тарафлар қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан ўн сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс ва жабрланувчи томонидан эса, қарорнинг кўчирма нусхаси уларга топширилган ёки улар томонидан ушбу кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, апелляция тартибида шикоят бериш муддати ўтгач, қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида кассация тартибида шикоят бериши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

Ф.Ж.Исмоилов

